

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

НАЗАРОВ БАХТИЁРЖОН МАМАЖОНОВИЧ

**ЎЗГАРУВЧАН ВА КУЧЛИ КОНТИНЕНТАЛ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА
ГЛАУКОМАНИНГ ТАРҚАЛИШИ, ШАКЛЛАНИШИ, КЛИНИК
КЕЧИШИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.43 - Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Contents of dissertation abstract of doctor philosophy (PhD)

Назаров Бахтиёржон Мамажонович

Ўзгарувчан ва кучли континентал иқлим шароитида глаукоманинг тарқалиши, шаклланиши, клиник кечиши ва профилактикаси..... 5

Назаров Бахтиёржон Мамажонович

Распространение, формирование, клиническое течение и профилактика глаукомы в изменяющихся и сильно континентальных климатических условиях..... 19

Nazarov Bahtiyarjon Mamajonovich

Distribution, formation, clinical course and prevention of glaucoma in changing and strongly continental climatic conditions..... 35

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ List of published works..... 38

**АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ ХУЗУРПДАГИ
ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ
АНДИЖОН ДАВЛАТ ТИББИЁТ ИНСТИТУТИ**

НАЗАРОВ БАХТИЁРЖОН МАМАЖОНОВИЧ

**ЎЗГАРУВЧАН ВА КУЧЛИ КОНТИНЕНТАЛ ИҚЛИМ ШАРОИТИДА
ГЛАУКОМАНИНГ ТАРҚАЛИШИ, ШАКЛЛАНИШИ, КЛИНИК
КЕЧИШИ ВА ПРОФИЛАКТИКАСИ**

14.00.43 - Профилактик тиббиёт

**ТИББИЁТ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистан Республикаси Вазирлар Мадакамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида B2020.3.PhD/Tib1463 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Андижон давлат тиббиёт институтида бажарилган.

Диссертация автореферати икки тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-садифасида (www.adti.uz) ва «Ziyonet» ахборот таълим портали (www.ziyonet.uz) манзилларига жойлаштирилган.

Илмий радбар: **Мамасолиев Неъматжон Солиевич**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар: **Салоҳидинов Зухридин Салоҳидинович**
тиббиёт фанлари доктори, профессор

Икрамов Азизбек Фазилович
тиббиёт фанлари доктори, доцент

Етакчи ташкилот: **Бухоро давлат тиббиёт институти**

Диссертация химояси Андижон давлат тиббиёт институти хузуридаги илмий даражалар берувчи PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 рақамли Илмий кенгашнинг 2021 йил « ____ » соат ____ даги мажлисида бўлиб ўтади (Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50; e-mail: adti-361@umail.uz).

Диссертация билан Андижон давлат тиббиёт институтининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (____) рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 170100, Андижон шаҳри, Ю.Отабеков кўчаси, 1-уй; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50.

Диссертация автореферати 2021 йил « ____ » _____ да тарқатилди.
(2021 йил « ____ » _____ даги _____ рақамли реестр баённомаси).

М.М. Мадазимов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, тиббиёт фанлари доктори, доцент

М.Ф. Нишанов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш илмий
котиби, тиббиёт фанлари доктори, доцент

Н.Р. Узбекова

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
кошидаги илмий семинар раиси ўринбосари,
тиббиёт фанлари доктори, доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Дунёда аҳоли орасида турли касалликларни ташхислаш ва даволаш самарадорлигини ортишига қарамасдан, турли омиллар таъсирида ривожланадиган кўз касалликлари долзарб муаммолардан бирига айланиб бормокда. Жахон соғлиқни сақлаш ташкилотининг маълумотларига кўра «дунёда камида 2,2 миллиард инсон кўриш қобилятининг бузилишидан ҳамда камида 7,7 млн. бемор глаукома туфайли узокни кўриш қобилятининг ўрта ёки оғир даражада бузилиши ёхуд кўрликдан азият чекади. Ёшга боғлиқ холда глаукома билан касалланиш 2020 (76 млн.) ва 2030 (95,4 млн) йиллар мобайнида 1,3 баравар кўпайиши тахмин қилинмоқда»¹. Глаукоманинг тарқалиши этник гуруҳ ва географик минтақаларга қараб фарқ қилади ва умумий глаукома холатларининг ярмидан кўпи (53,4%) аҳолиси нисбатан кўплиги туфайли Осиё қитъасига тўғри келади. Шу сабабли атроф- мухитнинг изчил ифлосланиши, иқлим ҳамда инсон хаёт тарзи ўзгариши глаукома касаллигини келиб чиқишига таъсирини тадқиқ қилиш бугунги кунда тиббиётнинг долзарб вазифа ҳисобланади.

Жахонда кўриш функцияси бузилишининг профилактикасига, кўриш қобилятини йўқолиши ҳамда кўзнинг ривожланиш аномалияларининг молекуляр механизмлари билан боғлиқ бўлган кўз патофизиологиясини ўрганишга йўналтирилган қатор илмий-тадқиқотлар олиб борилмоқда. Кўз касалликларини олдини олиш бўйича иқлим омиллари, атмосфера ва экологик таъсирларни (ўзгарувчан намлик, глобал иссиқлик, инфракизил ва ультрабинафша нурланишнинг юқори даражаси) кўриш аъзосининг функционал имкониятларига таъсирини ўрганиш бўйича илмий тадқиқотларни амалга ошириш алоҳида ахамият касб этмоқда.

Мамлакатимизда соғлиқни сақдаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш, жумладан, кўрликка олиб келувчи кўз касалликлари профилактикасини самарадорлигини ошириш, унинг асоратларини камайтиришга қаратилган кенг камровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда. Бу борада «...мамлакатимизда аҳолига кўрсатилаётган тиббий ёрдамнинг самарадорлиги, сифати ва оммабоплигини ошириш, шунингдек, тиббий стандартлаштириш тизимини шакллантириш, ташхис қўйиш ва даволашнинг юқори технологик усуллари жорий қилиш, патронаж хизмати ва диспансеризациянинг самарали моделларини яратиш орқали, соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш ва касалликларни профилактика қилиш...»² каби вазифалари белгиланган. Ушбу вазифаларни амалга оширишда демиелинизацияловчи касалликларда кўрув аъзоси ўзгаришларини ташхислаш ва самарали даволаш тартибини такомиллаштириш ҳамда ногиронлик ва салбий оқибатларга олиб келувчи сабабларини олдини олиш юзасидан тадқиқотларни амалга ошириш мақсадга мувофиқ.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги ПФ-

¹ Zhang N, Wang J, Chen B, Li Y, Jiang B. Prevalence of Primary Angle Closure Glaucoma in the Last 20 Years: A Meta-Analysis and Systematic Review. *Front Med (Lausanne)*. 2021;7:624179. doi: 10.3389/fmed.2020.624179.

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 7 декабрдаги 5590-сонли «Соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш бўйича комплекс чора-тадбирлар тугрисида» ги Фармони.

5590-сон «Ўзбекистан Республикаси соғлиқни сақлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида», 2020 йил 12 ноябрдаги ПФ-6110-сон «Бирламчи тиббий-санитария ёрдами муассасалари фаолиятига мутлако янги механизмларни жорий қилиш ва соғлиқни сақлаш тизимида олиб борилаётган ислохотлар самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги фармонлари, 2020 йил 12 ноябрдаги НК 4891-сон «Тиббий профилактика ишлари самарадорлигини янада ошириш орқали жамоат саломатлигини таъминлашга оид кўшимча чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот Республика фан ва технологиялар ривожланишининг VI «Тиббиёт ва фармакология» устувор йўналишига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Калифорния университетининг офтальмология институтининг тадқиқот натижаларига кўра «хавонинг ифлосланиш даражаси юқори бўлган ҳудудлардаги ахоли орасида, энг кам ифлосланган ҳудудлар ахолисига қараганда камида 6% кўпроқ глаукома касаллиги қайд этилган» (ОДиа Sharon Y.L. ва бошқ., 2019). Инсон кўзига хавонинг фотохимёвий ифлосланишини таъсири ўрганиш натижалари шуни кўрсатадики, «кўзнинг таъсирланиши ва мугуз парда эпителиопатияси оқибатида инсон кўз ёши лизосомалари ҳамда рН қиймати ўзгарган, бу эса ретинал вена қон томирлар диаметрининг, улардаги қон оқими тезлигининг ва кўз туби пульсациясининг амплитудаси ортиши билан ранг кўришни бузилишига, ретинал қон томир ўзгаришларига ва ретинопатияга олиб келган»^{3, 4} (M.Nebbioso ва бошқ., 2017). Хиндистон тиббиёт фанлари институтининг бир гуруҳ олимлари маълумотларига кўра «хавони ифлослантирувчи моддаларнинг юқори даражаларининг доимий таъсири сабабли кўз ёши суюқлигида сув миқдорининг ва липид профилининг ўзгариши билан 10-15% одамлар сурункали таъсирланиш ва қуруқшаган кўз синдроми билан азият чекади»⁵ (Нью-Дехли, Хиндистон). Муаллифлар, шунингдек, намлик, атмосфера босими ва шамол кучи каби кўрсаткичлар кўз ёши плёнкасининг барқарорлигига бевосита таъсир қилиши мумкинлигини ва хаво таркибида кўп миқдорда водород сульфат мавжудлиги бош айланишига олиб келиши ўта оғир ҳолатларда, кўз суюқлиги билан алоқада бўлганда, хатто кўрликка олиб келиши мумкинлигини таъкидлаганлар». Ўтказилган тадқиқотлар «хаводаги NO ва NO₂ концентрацияси билан кўз ёши безининг рН қиймати ўзгариши ўртасида кучли боғайклик мавжудлигини ва кўзнинг ташқи пардасига

³ Sharon Y.L. Chua, Anthony P. Khawaja, James Morgan, Nicholas Strouthidis, et al. The Relationship Between Ambient Atmospheric Fine Particulate Matter (PM2.5) and Glaucoma in a Large Community Cohort. *Investigative Ophthalmology & Visual Science*, 2019; 60 (14): 4915 DOI: 10.1167/iops.19-28346

⁴ Nebbioso M, Del Regno P, Gharbiya M, Sacchetti M, Plateroti R, Lambiasi A. Analysis of the pathogenic factors and management of dry eye in ocular surface disorders. *Int J Mol Sci*. 2017;18(8):1764. doi:10.3390/ijms18081764

⁵ Gupta PD, Muthukumar A. Why environmental pollutants makes our eye sick? *J Clin Ophthalmol Eye Discord*. 2017;1:1010.

қитиқловчи таъсирини» кўрсатди⁶ (SYL Chua ва бошқ., 2020).

Олиб борилган тадқиқотлар шуни кўрсатдики, глобал исиш ва ультрабинафша нурланиш одамларда кўрликнинг энг мухим икки сабаби хисобланади⁷ (Vinod Yadav, 2019). Осиё қитъасида ўтказилган эпидемиологик тадқиқотлар «иссиклик таъсир қилиши натижасида жароҳатланиш, кўз ички босимини кўтарилиши ва кўз нерви атрофияси содир бўлиши мумкин, Зарарланиш даражаси ушбу таъсирларнинг давомийлигига боғлиқ» эканлигини кўрсатди ва шу билан атроф мухитнинг юқори харорати ва глаукомани ривожланиш эҳтимоли ўртасида ўзаро боғлиқлик мавжудлигини исботлади⁸ Б[^]. Chan ва бошқ., 2016).

Глаукома билан касалланган беморларни даволаш ва диспансер кузатуви қониқарсиз натижаларининг асосий сабаблари - касалликнинг қониқарсиз яқунлари хавф омиллари пайдо бўлишининг ортишига таъсир қилувчи турли хил климатогеографик кўрсаткичлари ҳақида маълумотлар етарли эмас. Юқоридагиларни инобатга олган ҳолда, ўзгарувчан атмосфера ва атроф-мухит шароитида эпидемиологик вазиятни башорат қилишга қаратилган профилактик чора-тадбирларни такомиллаштириш, шунингдек, метеопрофилактика усулларини оптималлаштириш ва глаукома скрининг дастурини танлаш ўзига актуал муаммо бўлиб қолмоқда.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Андижон давлат тиббиёт институтининг илмий-тадқиқот ишлари режасига мувофиқ №ПЗ-201809077 «Глаукоманинг клиник кечиши ва олдини олиш хусусиятлари, унинг ўзгарувчан ва кескин континентал иқлим шароитида шаклланиши ва ривожланиши» мавзуси доирасида бажарилган (2018-2020 йй.).

Тадқиқотнинг мақсади ўзгарувчан ва кучли континентал иқлим шароитида глаукомани эрта босқичда аниқлаш ва минтақавий профилактикасини такомиллаштириш усулларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

Ўзбекистоннинг кескин ўзгарувчан иқлим шароитида бирламчи глаукоманинг эпидемиологик ҳолатини баҳолаш;

тез ўзгарувчан иқлим шароитида бирламчи глаукома тарқалишининг проспектив клиник ва метеорологик мониторингини ўтказиш;

кескин ўзгарувчан иқлим шароитида глаукома жараёнларининг клиник намоён бўлишига турли хил атмосфера ва атроф-мухит омилларининг таъсирини аниқлаш;

кескин ўзгарувчан иқлим шароитларида метеорологик башорат қилиш технологиясини ва бирламчи глаукомани метеопрофилактика тизимини ишлаб чиқиш.

⁶ Chua SYL, Khawaja AP, Dick AD, et al; UK biobank eye and vision consortium. Ambient air pollution associations with retinal morphology in the UK biobank. Invest Ophthalmol Vis Sci. 2020;61(5):32. doi: 10.1167/iovs.61.5.32.

⁷ Vinod Yadav. Impact of environmental factors on eye health. Mediterranean Journal of Basic and Applied Sciences (MJBAS). 2019;3(4): 37-46.

⁸ Chan EW, Li X, Tham YC, Liao J, Wong TY, Aung T, Cheng CY. Glaucoma in Asia: regional prevalence variations and future projections. Br J Ophthalmol. 2016 Jan;100(1):78-85. doi: 10.1136/bjophthalmol-2014-306102.

Тадқиқотнинг объекти сифатида 2014 йилдан 2018 йилгача бўлган даврда Андижон вилоят кўз касалликлари шифохонасида глаукома туфайли текширувда бўлган ва даволанган 1112 нафар беморлар олинган.

Тадқиқотнинг предмети сифатида глаукомада касалликнинг эпидемиологик жихатларини ўрганиш, омилларни баҳолаш ва комплекс даво-профилактик жараёнлари олинган.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотда эпидемиологик, умумклиник, лаборатор ва статистик усулларида фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

маҳаллий иқлим ўзгаришларининг прогностик ахамиятини баҳолаш орқали глаукома кечишининг эпидемиологик ва клиник хусусиятлари аниқланган;

глаукома, преглаукома ва офтальмогипертензия кечишининг оғирлашиш хавфи мавсумий хусусиятга эга бўлган атмосфера жараёнларининг метеотроп таъсирига узвий боғлиқлиги аниқланган;

ўзгарувчан ва кескин континентал иқлим шароитида климатик омилларнинг абсолют кўрсаткичларини стратификациялаш орқали глаукома жараёнларининг зўрайиш сабаблари (АТБ >945 мб, хавониг нисбий намлиги >46%, хаво хароратини тебранишлари >-5,2°C) асосланган;

махсус мавсумий метео ва климатограммалар орқали касалликнинг ўткир хуружлари ривожланиш хавфини олдини олишга қаратилган метеопрофилактика тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Ўзбекистоннинг ўзгарувчан ва кескин континентал иқлимий шароитида беморларнинг ёшига боғлиқ холда глаукома билан касалланиш частотасининг ўн баробарга ортишининг ўзига хос эпидемиологик боғлиқлиги аниқланган;

ўзгарувчан ва кучли континентал иқлим шароитида, аксарият метеорологик реакцияларга жавобан, январь, февраль ва март ойларида - барометрик босимнинг ва хаво нисбий намлигининг кўтарилиши, июнь-июл ойларида эса, термик режим ва қуёш инсоляциясини кучайиши ҳисобига глаукоманинг ўзига хос клиник кечиш билан тавсифланиши аниқланган;

глаукома жараёнларининг тарқалиши ва клиник кечишига иқлимий-географик хусусиятларнинг таъсирини инобатга олган холда аналитик эпидемиология ва клиник офтальмологиядан биргаликда фойдаланиш, касалликнинг мавсумий зўрайиш ва прогрессив шаклларини ривожланиш хавфи даражасини аниқлаш услуги ишлаб чиқилган;

ўзгарувчан ва кескин континентал иқлим шароитида касалликнинг оғир шакллари тарқалиши ҳамда частотасини самарали камайтиришга имкон берувчи назорат технологияси яратилган ҳамда унинг асосида метеопрофилактика тизими ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги ишда қўлланилган назарий ёндашув ва усуллар, олиб борилган тадқиқотларнинг услубий жихатдан тўғрилиги, етарли даражада материал танланганлиги, беморлар сонининг етарлилиги, эпидемиологик, умумклиник, лаборатор, инструментал ва статистик тадқиқот усуллар асосида глаукомани эрта босқичда аниқлаш ва

минтақавий профилактикаси ҳолатлари атрофлича текширилганлиги ва олинган натижаларнинг халқаро ҳамда маҳаллий тадқиқотлар натижалари билан таққослангани ҳамда хулосаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан асосланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти ўзгарувчан ва кескин континентал иқлим шароитида иқлимий биоритмик вазиятларнинг патогномик таъсирини ўрганиш, уларнинг патологик жараённинг ривожланиши ва тарқалиш даражасини аниқлашдаги прогностик аҳамиятини баҳолаш, шунингдек, касалликнинг ўткир хуружлари ривожланишининг самарали метеопрофилактикаси тизимини шакллантириш имконияти билан глаукома кечишининг клиник ва эпидемиологик хусусиятларини аниқлашга доир билимларни бойитишга муҳим ҳисса қўшиши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти Ўзбекистоннинг ўзгарувчан ва кескин континентал иқлим шароитларида глаукоманинг тарқалиши ва кечишининг эпидемиологик жihatларини, касалликнинг прогрессив шакллари ривожланишининг характерли мавсумий хусусиятларини аниқлаш орқали ишлаб чиқилган глаукома жараёнларини метеорологик башорат қилиш алгоритми, профилактика тизимини такомиллаштириш ва касалликнинг оғир шакллари ривожланишини камайтириши билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Тез ўзгарувчан иқлим шароитида касалликнинг тарқалиши ва кечишининг хусусиятларидан фойдаланган ҳолда метеорологик профилактика тизимини ишлаб чиқиш орқали глаукомани даволаш натижаларини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

умумий клиник амалиётда глаукомани эрта босқичда аниқлаш ва минтақавий профилактикасини такомиллаштириш бўйича илмий тадқиқотнинг натижалари асосида ишлаб чиқилган «Умумий клиник амалиётда глаукомани эрта босқичда аниқлаш ва минтақавий профилактикасини такомиллаштириш усуллари» услубий тавсиянома тасдиқланган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 8н-з/17-сон маълумотномаси). Глаукоматоз жараёнлар кечишини метеорологик башорат қилиш бўйича таклиф этилган тавсиялар, касалликнинг зўрайиш частотасини ва оғир шакллари ривожланишини камайтириш учун профилактика тизимини такомиллаштириш имконини берган;

глаукома профилактикасини сифатини яхшилаш бўйича олинган илмий натижалар соғлиқни сақлаш амалиётига, жумладан, Андижон давлат тиббиёт институти клиникаси, Андижон вилоят кўз касалликлари шифохонаси ва Андижон вилоят кўп тармоқли тиббиёт маркази амалий фаолиятига тадбиқ этилган (Соғлиқни сақлаш вазирлигининг 2021 йил 19 январдаги 8н-з/17-сон маълумотномаси). Глаукомани олдини олиш бўйича таклиф қилинган такомиллаштирилган профилактик чора-тадбирлар комплекси иқлимий алгоритмик жадваллар асосида глаукомани эрта ташхислаш ва даволаш сифатини яхшилашга имкон берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 4 та илмий-амалий анжуманларда, жумладан 2 та халқаро ва 2 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 17 та илмий иш чоп этилган, шулардан Ўзбекистан Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 2 таси республика ва 3 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, бешта боб, хулоса, амалий тавсиялар ва фойдаланилган адабиётлар рўйхатидан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотнинг долзарблиги асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, тадқиқот натижаларининг илмий янгилиги ва илмий-амалий аҳамияти ёритилган, тадқиқот натижаларининг апробацияси ва чоп этилган илмий ишлар, диссертациянинг ҳажми ва таркиби тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **“Янги минг йиллик бусағасида глаукома, преглаукома ва офтальмогипертензия муаммолари ҳамда истиқболлари”** деб номланган биринчи бобида глаукомани эрта босқичда аниқлаш ва олдини олишнинг турли хил ёндашувлари ва муаммолари, уларни тадқиқотчиларнинг замонавий маълумотларига солиштирган ҳолда баҳолаш ёритилган. Адабиётлар тахлили натижасида ушбу муаммо бўйича ҳал этилмаган вазифалар аниқланган.

Диссертациянинг **“Текширилган беморларнинг клиник тавсифи ва фойдаланилган тадқиқот усуллари”** деб номланган иккинчи бобида, клиник материал ва қўлланилган тадқиқот усуллари, шунингдек, ўрганилаётган минтақанинг иқлим-биоритмологик хусусиятлари ва уларни баҳолаш усуллари тавсифланган.

Клиникометеорологик тадқиқот уч йил давомида амалга оширилди ва унинг учун клиник материаллар Андижон вилоятининг кўз касалликлари шифохонасида тўпланди. Иқлимий - метеорологик маълумотлар шартнома асосида вилоят гидрометеорология бошқармасидан мунтазам олиб борилди ва ҳамкорликда тахлил қилиб баҳоланди. Бундан ташқари, иқлимий омилларнинг ГКни тарқалиши ва авжланиб клиник кечишига таъсирларини аниқлаш ҳамда баҳолаш учун уч йиллик клинко-метеорологик мониторинг ўтказилди, комплекс офтальмологик ва клиник прогнозлаш текширувлар усуллари қўлланилди. Текширув давомида клиник ва жуғрофий офтальмология усуллари, эпидемиологик ва махсус статистик - математик ҳамда биоиклимий ёндошувлар ўзаро уйғунлаштирилди.

Текширувдан жами 1112 нафар бемор ўтказилди, уларнинг 407 нафарини (36%) эркалар ва 711 тасини (64%) аёллар ташкил этди. Жуғрофий офтальмология услубидан фойдаланиб ва биометеорологик кузатувларга асосланиб Андижоннинг иқлимий биоритмологик тавсифини уч йиллик

динамикасини аниқладик. Хусусан, куйидаги илмий фактларни топдик: фасл алмашинаётган даврларда атмосфера босимини (АтБ), хавонинг нисбий намлигини (ХНН Г) ва қуёш ёғдуси (ҚЁ) ўзгаришлари ва тебраниб туришлари кучайиб Андижон аҳолиси учун номақбул иқлимий шароитлар вужудга келади; қиш фаслида ХНН ни ортиши тенденцияси кучаяди ва унинг ўртача ойлик тебраниб туришлари даражаси 80-90 %гача етади; билъакс, ёз фаслида ХНН тебранишлари ва ўзгаришлари икки баробарга етиб (30-40%) камаяди; АтБ нинг паст даражалари ёз пайтида аниқланади ва унинг кескин кутарилишлари (980 мб дан ошиб) қиш фаслида кузатилади; хаво хароратининг ХХ юқори даражалари ёз фаслига тўғри келади ва то +40°С гача етиб ортади; аксинча, паст даражалари (то -7,6°С гача етиб) қишда кузатилади; Андижон иқлимий шароитида энг номақбул метеорологик жараёнлар январь, февраль ва март ойларида (АтБ ва ХНН ни кўтарилиши ва кескин тебраниб туриши хисобига) ҳамда июнь-июлда (термик режим ва қуёш инсоляциясини ошиши хисобига) вужудга келади. Андижон иқлимий кучли континентал, ёзи куруқ ва иссиқ; баҳор ва кузи илиқ, қиши эса нотурғун. Бундай хусусиятлар Андижоннинг жуғрофий тавсифи билан боғлиқ: у тоғлар билан ўралган ва асосан чуқурликда жойлашган, жанубий очик томондан чўлнинг иқлимий таъсири бор ва жанубий ғарбий томонидан экологик муаммолар бор ва шахар тоғ олди иқлимий мухити таъсирига берилиб туради. Булар патоген хусусиятлари касб этишлари мумкин.

Метеорологик ва иқлимий шароитлар бўйича маълумотлар маҳаллий гидрометеомарказнинг ТМ-1, ТМ-2 ва ТМ-15 қайд журналларидан нусхаланиб олинди. 3-йил давомида мунтазам маълумотлар - АтБ (мб да), ХХ (С° да), ХНН (фоизда) ва қуёш ёғдуси (соатларда) каби асосий метеорологик омиллар бўйича тўпланди ва тахлилланиб ўрганилди. Уларнинг хар бири бўйича циркадиан, ўртача ойлик, ўртача фаслий ва ўртача йиллик даражалари хисоблаб чиқилди. Рангли жойлаштирув тизимида навбатма навбат кучли ва кучсиз, «+» ва «-» ли метеомиллар жойлаштирилди, улар учун атрибутив хавф даражасини кўрсатадиган биостатик кўрсаткич хисоблаб чиқилди ҳамда улар асосида кундалиқ, ойлик ва йиллик метеограмма ҳамда биоклиматограммалар тузиб чиқилди. Глаукома ташхиси умум қабул қилинган мезонлар билан қўйилди.

Беморларда глаукома, преглаукома, офтальмогипертензия ва глаукоматоз жараёнлар визометрия, Фёрстер усулида периметрия, Маклаков бўйича тонометрия, кўзни олдинги бўлмаси гониоскопик биомикроскопияси ва шу усул билан оптик мухитларни ўрганиш, перилимбаль худудлар микроциркуляциясини текшириш ва офтальмоскопия каби текширув усуллари қўлланилиб аниқданди ва бахоландилар. Бунда халқаро тавсияномаларга амал қилинди, бирламчи глаукома ташхиси эса унинг 1975 йили қабул қилинган синфланиши (Нестеров, Бунин) бўйича ва мезонларидан келиб чиқиб шакллантирилди: шакли (ёпиқ бурчакли, очик бурчакли, аралаш), босқичи (илк, кучайган, ўтиб кетган, терминал), кўз ички босими (нормал - КИБ <26 мм сим.уст. га тенг; ўртача ошган - КИБ <32 мм.сим.уст. га тенг ва кучли ошган - КИБ > 35 дан юқори сим.уст. га тенг) ва кўрув фаолиятини динамикаси

(ностабиллашган, ёпиқ бурчакли глаукомани ўткир хуружи) эътиборга олинди. Махсус холларда (ГКни гумонлаш, ГКни барвақт аниқлаш, турли шакллари тафовутлаш, глаукоматоз жараёнларни динамик тарзда баҳолаш) офтальмологик текширувлар чуқурлаштирилди: қўшимча функционал, инструментал, биохимик ва махсус тезкор текширувлар ўтказилди ва анъанавий субъектив хамда физикал билан клиник аломатлар баҳоланди.

Диссертациянинг **“Хаво атмосфера босими ва нисбий намлиги тебранишларини глаукоматоз жараёнларга таъсири хусусиятлари”** деб номланган учинчи бобида, ГК эркаклар популяциясида 35,7 % ва аёлларда 64,3 %ни ташкил қилиб тарқалганлиги қайд этилди. Исботланди-ки, Андижон жуғрофий минтақасида ГК 1,8 маротаба кўп аёлларда учрайди. Бу, бошқа минтақаларга қиёсланганда, нисбатан юқори кўрсаткич ҳисобланади ва ГКга нисбатан номақбул эпидемиологик шароит вужудга келганидан дарак беради ёки уларни тарқалишида экологик ва иқлимий омилларни таъсири йўқ эмаслигига ишора қилади. Маълум бўлдики, очик бурчакли глаукома ахоли орасида 30,0 %га етиб тарқалган, 40,0 % эркакларда ва 60,0 %, яъни 1,5 баробарга етиб кўп аёлларда учрайди. Ундан фарқли ўлароқ ёпиқ бурчакли глаукома ахоли орасида 35,0 % даражада қайд этилади, 36,5 % эркакларда ва 63,5 %, яъни 1,7 карра кўп аёлларда кузатилади ($P<0,05$). Тасдиқланди-ки, аралаш ГК ахоли орасида 23,0 %га етиб тарқалган, 29,0 % эркакларда ва 71,0%, 2,4 баробарга кўп аёлларда аниқланади ($P<0,01$). ГК ўткир хуружи, бизнинг натижаларимиз бўйича, 8,8 %ни ташкил қилиб тарқалган, 23,9 % эркакларда ва 76,1 % аёлларда ёки 3,2 баробар аёллар популяциясида кўп учрайди ($P<0,01$). Исботландики, абсолют глаукома ахоли орасида 5,8 %га етиб тарқалган, эркаклар популяциясида 42,8 % ва аёлларда эса 1,3 баробарга ортиқ (57,2 %) даражалар билан аниқланади ($P<0,05$). Глаукома касаллигига гумон қилиш ҳолати ахоли орасида 6,5%ни ташкил қилади, эркакларда 28,1 % ва унга нисбатан 2,7 баробарга кўп -71,9 % аёлларда қайд қилинади ($P<0,001$). Мавжуд илмий манбаларга солиштирилганда мазкур кўрсаткичлар энг кўплиги билан эътиборни тортади ва бу, биринчидан, махсус эпидемиологик ёндошув қўлланилганлиги ва иккинчидан, текширув ҳудудининг иқлимий-минтақавий хусусиятлари билан боғлиқ бўлиб, умуман глаукомага оид умумий номақбул ўсиш тенденцияси юз бераётганлигини тасдиқлайди. Шундай маълумотлар ва башоратлар хорижий мамлакатларда тадқиқотчилар томонидан келтирилади. Уч йиллик проспектив текширувимизда тасдиқландики, ГКни тарқалиши ва авжланишида ёш хатарли омил бўлиб салбий таъсирини ўтказди. Унинг кўпайиши ахоли ёшини иккинчи декасидан бошланади ва бизнинг натижаларимиз бўйича учинчи ўн йилликда илк ёш гуруҳларига қиёсан ГК 1,5 баробардан зиёдга ошади ($P<0,05$). Тўртинчи ўн йилликда бу суръат 3 баробардан кўпга ($P<0,01$) ва бешинчи ўн йилликда эса - 10 баробарга етиб шиддатли тус олади ($P<0,001$). Хасталанишнинг энг юқори даражалари 60-69 ёшда аниқланади.

Бундай тенденцияларни у ёки бу минтақавий ҳудудларда аниқланиши ва ўрганилиб борилиши, сўзсиз, ташхисий, прогностик, клиник ва профилактик хамда терапевтик салоҳият касб этиб ГК билан боғлиқ «кўзи ожизлик» га

қарши курашиш тизимини яратишда ахамиятлидир. Кўпчилик текширувларда олинган натижалар бу маълумотларни асосан тасдиқлайдиларки, уларни фарқи - кўпинча тоғли ва тоғ олди худудларда ва бошқа популяцияларда амалга оширилган.

Диссертациянинг **4 чи ва 5 чи бобларида** асосий метеорологик омилларни глаукомани келиб чиқиши ва клиник кечишига таъсирларини ўрганиш бўйича маълумотлар ҳамда глаукоматоз жараёнларни прогнозлаш ва метео-профилактикаси технологиялари баён қилинган.

Исботландики, ГК тарқалиши билан ҚЁ таъсири кўлами ортиб бориши ўртасида кучли ифодаланган корреляцион боғланишлик бор ва у мазкур хасталикнинг муайян шаклларида турлича ифодаланиб аниқланади. Текширувимиз турли йилларида жами ГК 7,1 фоиздан (ҚЁ нинг $< 1,3$ с. га тенг даражасида) то 13,0 фоизга етиб кўпайган, яъни ҚЁ таъсирига боғлиқ холда салкам икки баробарга ортган ($r=+0,98$, $P<0,001$). Худди шундай салбий юксалиш тенденцияси ГК нинг барча турларида ҳам қайд этилади.

Худди шундай клиникобиоритмопатогенетик конуниятлар ГКга нисбатан ХНН нинг ўзгаришларига боғлиқ холда аниқланди. Исботландики, муайян текширув йилларида жами глаукома нисбий намликни ортиши ва тебранишларини (то 92-100 %гача етиб) кучайиши билан 2,9 баробарга кўпаяди ($P<0,05$), очик бурчакли ГК - 3,3 мартага ортади ($P<0,01$), ёпиқ бурчакли ГК - 4,9 каррагача авжланади ($P<0,01$), аралаш ГК - 3,7 баробарга ошади ($P<0,01$), ўткир хуружлар - 3,3 мартага кўпаяди ($P<0,05$), абсолют ГК-37,5 % ва ГКга гумон қилиш холатини кўпайиши 36,4 % тафовут билан кўпайиб қайд қилинади ($P<0,05$). Бу маълумотлар мавжуд илмий манбалардаги хулосалардан тубдан фарқ қилади. Уч йиллик мониторингдан яна равшан бўлдики, АтБ нинг ортиши ва номуқобил тебраниб туришлари ҳам бевосита ГК нинг тарқалишига ва авжланиб ривожланишига салбий таъсир кўрсатадилар. Хусусан, мониторинг кузатувимизнинг айрим йилларида жами ГК ўртача, барометрик босимнинг паст (< 945 мб) ва юкори (АтБ 956-960 мб га тенг) даражаларида, 26,1 %гача тафовутланиб ($r=+0,82$), очик бурчакли ГК - 31,5 %гача ортиб ($r=+0,96$), ёпиқ бурчакли ГК - 29,5 %га кўпайиб ($r=+0,79$), аралаш глаукома - 31,6 %гача ортиб ($r=+0,96$), ГК нинг ўткир хуружлари - 34,5 %гача кўпайиб ($r=+0,98$) ва абсолют глаукома - 30,8 %гача кўпайиб ($r=+0,91$) аниқландилар. Олинган натижалар тахлилидан ишончли маълум бўлдики, АтБ нинг тебранишлари глаукома тарқалишига салбий таъсир кўрсатади.

Нобарқарор ва кучли континентал иқлимий шароитда, Андижон минтақасида, термик режимни ортиши ва аридизация жараёнларини кескинлашуви ГК ни номақбуллашиб тарқалишларига ва авжланишларига олиб келади. Глаукомани муайян турлари бу салбий омил таъсирида икки баробардан ошиб кўпаяди.

Махсус офтальмологик текширувлар бу йўналишда Ўзбекистон шароитида таққослаш учун йўқ, аммо бизнинг натижаларимизга яқин маълумотлар экстраокуляр касалликларда аксарият қайд қилинганлар.

Метео-омилларни таъсирида ГК ни клиник кечиши хусусиятларини ўрганишга бағишланган тахлилларимиз кўрсатдики, муайян йилларда глаукоматоз жараёнлар қуёш ёғдуси таъсири туфайли 4,0 %дан (ҚЁ $< 1,3$ с)

23,1 %гача (ҚЕ ни 7,9-9,1 с. га тенг даражасида) ёки салкам беш баробарга етиб кучаядилар ($r=+0,92$); хаво нисбий намлигининг ортиб бориши билан тўрт мартага етиб глаукоматоз жараёнларни ва ГК нинг асосий симптомларини кўпайиши кузатилади ($r=+0,96$). ГК ни барча симптомлари АтБ ни паст ва юқори даражаларида турлича даражада кучайиб аниқланадилар: аралаш инъекция 25,2% ортади; кўриш фаолиятини пасайиши 27,1% кўпаяди; офтальмо-гипертензия 28,8% гача кўп қайд қилинади; кўз оғриқлари -25,4 % га ошади; бош оғриғи - 22,1% гача ортади; КНД ни ўзгариши - 24,4% гача кўпаяди.

Бизнинг тадқиқотимиз тасдиқладики, айниқса термик режимни ортиши Фарғона водийси иқлимий шароитида глаукома касаллигида «кўзи ожизлик» хавфини оширади. Унинг нобарқарорлиги ва кучайиши атмосферанинг метеопатик таъсирларини глаукомаси бор беморларда кучайтиради, ГК нинг клиник кечишини кескинлаштиради ва у билан боғлиқ континуум хавфини кескин оширади. Аксинча, уларни мулойимлаштириш бўйича соғломлаштириш-профилактика ишларини вақтида ўтказиш, бизнинг таҳлилларимиз бўйича, беморларда метеопатик реакцияларни 90% га етиб бартараф қилиш ва глаукомаси бор беморлар гуруҳини барвақт аниқлаш имкониятлари кенгаяди. Бизнинг аниқланган бу натижаларимиз асосан тадқиқотчиларнинг олган маълумотларига мувофиқ ва тасдиқлайди.

Уч йиллик кузатувларимизда маълум бўлдики ГК ни кучли тарқалиши баҳорда (32,0 %га етиб), ёзда (30,5 %га етиб) ва нисбатан кам кузда (24,0%) ҳамда қишда (29,0%) кузатилади. Ойма-ой таққослаб баҳоланганда эса аниқландики, йил давомида ГК ни кучли тарқалишлари даврларини учта «чўққиси» бўлади: биринчиси, қиш ва баҳорни февраль, март ойлари; иккинчиси, ёзнинг июль ойи ва учинчиси, кеч кузнинг ноябрь ойи. Бу демак, глаукома, шубҳасиз, ташқи мухит омилларига боғлиқ холда вужудга келувчи ва авжланувчи касаллик деганидир.

Маълум бўлдики, глаукоматоз жараёнларнинг махсус офтальмологик ва клиник симптомлари, муайян йилларда фаслларга боғлиқ холда тафовутланиб кучаядилар: баҳорда - 33,5%га етиб, ёзда - 31,8%га кўпайиб, кузда - 20,1%га ортиб ва қишда -14,5%га етиб кучаядилар. Умуман, тасдиқландики, глаукомаси бор беморларда кескин ўзгарувчан иқлимий омилларга алоҳида таъсирланиш реакцияси бўлади-ки, глаукома турли фаслларда ва ойларда муайян тақалиш ҳамда клиник кечиш хусусиятларига эга бўлиб ифодаланади. Уларни ҳисобга олиш даволаш ишларининг самарадорлигини кескин оширади.

Тадқиқотимизнинг интиқоси бўлиб кескин ўзгарувчан иқлимий шароитда глаукоматоз жараёнларни прогнозлаш ва метеопрофилактика қилиш тизимини яратиш бўлди (1-4-жадваллар).

Улар амалиётда кунлик, ойлик ва йиллик метеограммалар ҳамда биоклиматограммаларни тузишда пойдевор асос бўлиб хизмат қила бошладилар-ки, бу, бугунда глобал муаммога айланган глаукоманинг бирламчи, иккиламчи ва учламчи метеопрофилактикасини тубдан бошқа кўринишга ва глаукомаси бор беморларни барвақт самарали оғох қилишга асос бўлиб йўл очади.

Яратилган прогнозлаш жадваллари ва биоклиматограммалардан метеопрофилактика тизимини қўллашда ҳамда даволаш дастурларини такомиллаштиришда кенг фойдаланиш мумкин.

1-жадвал


Хаво нисбий намлигининг тебранишларига боғлиқ холда бирламчи глаукомани прогнозлаш жадвали

Хаво нисбий намлигининг тебранишлар даражаси (фоизларда)	Глаукомани турли шакллари хаво нисбий намлигига боғлиқ холда ривож хавфлари					Глауко-мага гумон қилиш	Жами ГК
	Очиқ бурчакли глаукома	Ёпиқ бурчакли глаукома	Аралаш глаукома	Глаукома хуружи	Абсолют глаукома		
< 46	9,45%	5,65%	12,69%	12,61%	0,85%	1,75%	8,00%
47 - 55	7,42%	7,93%	6,80%	9,33%	2,08%	6,96%	7,42%
56 - 64	12,99%	12,42%	13,88%	11,90%	6,36%	4,41%	12,17%
65 - 73	12,62%	14,82%	11,50%	11,89%	20,35%	15,83%	14,11%
74 - 82	19,04%	17,28%	12,91%	15,28%	20,35%	11,00%	16,91%
83 - 91	17,82%	16,65%	20,21%	16,95%	9,29%	19,38%	17,16%
92 - 100	20,65%	25,25%	22,02%	22,04%	40,71%	40,67%	24,24%


2-жадвал

Хаво хароратининг тебранишларига боғлиқ холда бирламчи глаукомани прогнозлаш жадвали

Хаво харорати тебранишлари (С да)	Глаукомани турли шаклларда хаво хароратига боғлиқ холда ривож хавфлари					Глауко-мага гумон қилиш	Жами ГК (%)
	Очиқ бурчакли глаукома	Ёпиқ бурчакли глаукома	Аралаш глаукома	Глауком а хуружи	Абсолют глаукома		
< -8,7	0,33%	0,25%	0,00%	0,00%	0,00%	0,00%	0,18
-8,6 - 5,3	0,00%	0,25%	0,00%	0,00%	0,00%	0,00%	0,09
-5,2 - 1,9	3,32%	3,96%	1,23%	0,00%	0,00%	0,00%	2,55
1,8 - 1,5	9,65%	9,48%	7,87%	10,29%	9,98%	8,39%	9,76
1,6 - 4,9	9,12%	9,18%	8,53%	13,59%	21,86%	3,87%	10,14
5,0 - 8,3	10,73%	9,73%	10,34%	12,40%	31,87%	7,99%	10,74
8,4 - 11,7	7,10%	7,08%	3,32%	4,44%	9,04%	6,37%	6,54
11,8 - 15,1	7,97%	9,28%	5,98%	8,65%	5,86%	13,56%	8,84
15,2 - 18,5	11,88%	8,86%	4,36%	3,64%	7,57%	7,44%	8,74
18,6 - 21,9	11,17%	15,09%	14,31%	6,50%	1,71%	18,63%	12,35
22 - 25,3	12,19%	8,99%	17,25%	20,39%	7,50%	15,83%	12,23
25,4 - 28,7	16,55%	17,86%	26,81%	20,10%	5,62%	17,93%	17,85



1-расм. Хаво нисбий намлигига боғлиқ холда ГК биоклиматограммаси



2 чи расм. Хаво хароратига боғлиқ холда ГК ни биоклиматограммаси

3-жадвал

Ҳаво атмосфера босими (мб да) ва нисбий намлигининг (фоизда) турли даражаларида глаукоманинг клиник кечиши зўрайишини прогнозлаш жадвали

		Нисбий намлик (%)							
		0	9	18	27	36	45	54	63
Атмосфера босими (мб)	0	0,000	0,085	0,171	0,256	0,341	0,426	0,512	0,597
	5	-0,158	-0,073	0,013	0,098	0,183	0,268	0,354	0,439
	10	-0,316	-0,231	-0,145	-0,060	0,025	0,111	0,196	0,281
	15	-0,474	-0,388	-0,303	0,218	0,133	-0,047	0,038	0,123
	20	-0,632	-0,546	-0,461	0,376	0,291	-0,205	-0,120	-0,035
	25	-0,790	-0,704	-0,619	0,534	0,448	-0,363	-0,278	-0,193
	30	-0,947	-0,862	-0,777	0,692	0,606	-0,521	-0,436	-0,351
	35	-1,105	-1,020	-0,935	0,850	0,764	-0,679	-0,594	-0,805

4-жадвал

Ҳаво харорати (С° да) ва қуёш ёғдуси (соатларда) турли даражаларида глаукоманинг клиник кечиши зўрайишини прогнозлаш жадвали

		Қуёш ёғдуси (соатларда)											
		0	1,3	2,6	3,9	5,2	6,5	7,8	9,1	10,4	11,7	13	14,3
Ҳаво харорати (С да)	0	0,000	0,011	0,022	0,032	0,043	0,054	0,065	0,075	0,085	0,096	0,107	0,117
	2,4	0,000	-0,055	-0,045	-0,034	-0,023	-0,012	-0,002	0,009	0,087	0,098	0,109	0,119
	4,8	0,000	-0,122	-0,111	-0,100	-0,089	-0,079	-0,068	-0,057	0,089	0,100	0,111	0,121
	7,2	0,000	-0,188	-0,177	-0,166	-0,156	-0,145	-0,134	-0,123	0,091	0,102	0,112	0,123
	9,6	0,000	-0,254	-0,243	-0,233	-0,222	-0,211	-0,200	-0,189	0,093	0,104	0,114	0,125
	12	0,000	-0,320	-0,309	-0,299	-0,288	-0,277	-0,266	-0,256	0,095	0,105	0,116	0,127
	14,4	0,000	-0,386	-0,376	-0,365	-0,354	-0,343	-0,333	-0,322	0,096	0,107	0,118	0,128
	16,8	0,000	-0,453	-0,442	-0,431	-0,420	-0,410	-0,399	-0,388	0,098	0,109	0,120	0,130
	19,2	0,000	-0,529	-0,529	-0,529	-0,529	-0,529	-0,529	-0,529	0,015	0,015	0,015	0,016
	21,6	0,000	-0,596	-0,596	-0,596	-0,596	-0,596	-0,596	-0,596	0,017	0,017	0,017	0,017
	24	0,000	-0,663	-0,663	-0,663	-0,663	-0,663	-0,663	-0,662	0,019	0,019	0,019	0,019
	26,4	0,000	-0,730	-0,730	-0,730	-0,729	-0,729	-0,729	-0,729	0,013	0,021	0,021	0,021

ХУЛОСАЛАР

1. Кескин ўзгарувчан иқлимий шароитда, асосан фасллар ўзгарганда, «1-даражали» метеорологик унсурларнинг ўзгаришлари ва тебранишлари кучайиб глаукомани кенг тарқалиши учун ноқулай биометеорологик вазият вужудга келади.

2. Кескин ўзгарувчан иқлимий шароитда глаукоманинг тарқалиши ва ривожланишининг эпидемиологик хусусиятлари намоён бўлади.

3. Глаукома ўзгарувчан ва кучли континентал иқлим шароитида касалликнинг прогрессив шакллари ривожланишининг патогномоник кучайишига боғлиқ; холда ўзига хос клиник кечиш хусусиятига эга.

4. Беқарор ва кескин ўзгарувчан иқлимий метеошароитлар глаукома, преглаукома ва офтальмогипертензия ривожланишининг бевосита хавф омиллари ҳисобланади, шунингдек, касалликнинг прогрессив кечиши ҳамда специфик асоратлар ривожланишига олиб келади.

5. Бирламчи глаукома, кескин ўзгарувчан иқлимий шароитларда, ўзига хос клиник кечиш хусусиятлари ҳамда йил фасллари ва ойларига боғлиқ; холда белгиланган клиник-биоиклимий йўсинларга эга эканлиги билан тавсифланади.

6. Кескин ўзгарувчан иқлимий шароитларда глаукоматоз жараёнлар кечишини башорат қилувчи ишлаб чиқилган махсус дастур ҳамда касалликнинг клиник жихатларига метеотроп таъсирнинг ўзига хос хусусиятларини инобатга олиш, касалликнинг турли хил шакллари ривожланиши ва зўрайиши комплекс метеопротифилактика тизимини такомиллаштириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 ПРИ
АНДИЖАНСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ МЕДИЦИНСКОМ
ИНСТИТУТЕ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
АНДИЖАНСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ МЕДИЦИНСКИЙ
ИНСТИТУТ**

НАЗАРОВ БАХТИЁРЖОН МАМАЖОНОВИЧ

**РАСПРОСТРАНЕНИЕ, ФОРМИРОВАНИЕ, КЛИНИЧЕСКОЕ
ТЕЧЕНИЕ И ПРОФИЛАКТИКА ГЛАУКОМЫ В ИЗМЕНЯЮЩИХСЯ
И СИЛЬНО КОНТИНЕНТАЛЬНЫХ КЛИМАТИЧЕСКИХ УСЛОВИЯХ**

14.00.43 - Профилактическая медицина

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО МЕДИЦИНСКИМ НАУКАМ**

АНДИЖАН – 2021

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № В2020.3.PhD/Tib1463.

Диссертация выполнена в Андижанском государственном медицинском институте.

Автореферат диссертации на двух языках (узбекский, русский, английский (резюме) размещен на вебстранице Научного совета (www.adti.uz) и Информационно-образовательном портале «Ziyonet» (www.ziyonet.uz).

Научный руководитель:

Мамасолиев Нейматжон Солиевич
доктор медицинских наук, профессор

Официальные оппоненты:

Салохидинов Зухридин Салохидинович
доктор медицинских наук, профессор

Икрамов Азизбек Фазилович
доктор медицинских наук, доцент

Ведущая организация:

Бухарский государственный медицинский институт

Защита состоится « ____ » _____ 2021 г. в ____ часов на заседании Научного Совета PhD.04/30.12.2019.Tib.95.01 при Андижанском государственном медицинском институте (Адрес: 170100, город Андижан, улица Ю.Атабекова, дом 1; Тел/факс: (+998) 74-223-9450; e-mail: info@adti.uz).

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Андижанского государственного медицинского института (зарегистрирована за № ____). (Адрес: 170100, город Андижан, улица Ю.Атабекова, дом 1; Тел/факс: (+998) 74-223-94-50).

Автореферат диссертации разослан « ____ » _____ 2021 года.
(реестр протокола рассылки № ____ от _____ 2021 года).

М.М. Мадазимов

Председатель научного совета по
присуждению ученых степеней,
доктор медицинских наук, доцент

М.Ф. Нишанов

Ученый секретарь научного совета по
присуждению ученых степеней, доктор
медицинских наук, доцент

Н.Р. Узбекова

Заместитель председателя научного семинара
при научном совете по присуждению ученых
степеней, доктор медицинских наук, доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. По данным Всемирной организации здравоохранения «по меньшей мере 2,2 миллиарда человек в мире страдают нарушением зрения и по меньшей мере 7,7 млн пациентов страдают умеренным или тяжелым нарушением дальнего зрения или слепотой, обусловленными глаукомой». Согласно прогнозам, заболеваемость глаукомой, связанной с возрастом, увеличится в 1,3 раза в период с 2020 (76 млн) по 2030 год (95,4 млн)⁹. Распространенность глаукомы варьирует в зависимости от этнических групп и географических регионов и более половины (53,4%) глобальных случаев глаукомы приходится на Азию из-за относительно большой численности населения данного континента. В том, что касается региональных различий, по оценкам Группы экспертов по потере зрения «распространенность нарушений дальнего зрения в регионах с низким и средним уровнем дохода выше в 4 раза, чем в регионах с высоким уровнем дохода». Также, ожидается, что в ближайшие годы вырастет глобальный спрос на офтальмологические услуги. Данные обстоятельства ученые объясняют прогрессирующим загрязнением окружающей среды, изменениями климата и образа жизни человека и общества в целом. В связи с этим необходимы целенаправленные научные исследования по профилактике глазных болезней с изучением влияния климатических факторов, атмосферных и экологических воздействий (переменная влажность, глобальное потепление, высокие уровни инфракрасного и ультрафиолетового излучения) на функциональные возможности органа зрения.

В мировой практике в настоящее время наиболее актуальными исследованиями продолжают оставаться изучение глазной патофизиологии, связанной с потерей зрения, молекулярными механизмами аномалий развития глаза, поиск новых научных и технических достижений в области наномедицины и тканевой инженерии глаза, направленных на профилактику нарушений зрительных функций. Продолжают исследоваться в лабораторных и экспериментальных условиях характер циркадных и нейроэндокринных реакций с участием фоторецептивных ганглиозных клеток сетчатки, при которых не менее важен научный поиск патофизиологических механизмов взаимодействия различных частей глаза с атмосферными и экологическими явлениями, что может указывать на специфический генез нарушения иммунной защиты глаза и иметь прогностическое значение.

В настоящее время продолжается широкомасштабная работа по социальной защите населения и совершенствованию системы здравоохранения. В этом направлении, в частности, в улучшении результатов лечения хронической глазной патологии достигнуты положительные результаты. Вместе с тем для улучшения оказываемой офтальмологической

⁹ Zhang N, Wang J, Chen B, Li Y, Jiang B. Prevalence of primary angle closure glaucoma in the last 20 years: a meta-analysis and systematic review. *Front Med (Lausanne)*. 2021;7:624179. doi: 10.3389/fmed.2020.624179.

помощи требуются научно-обоснованные результаты по совершенствованию профилактики заболеваний глаз, ведущих к слепоте. В стратегию действий по пяти приоритетным направлениям развития Республики Узбекистан на 2017-2021 годы поставлены задачи по развитию и усовершенствованию системы медико-социальной помощи уязвимым категориям населения для обеспечения их полноценной жизнедеятельности¹⁰. Реализация данных задач, в том числе, улучшение результатов лечения пациентов с глаукомой путем разработки новых систем метеопрофилактики и клинических прогнозов в быстроменяющихся климатических условиях является одним из актуальных направлений.

